

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 19 куни, Навоий вилоят жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман суди, очик суд мажлиси диноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг биносида бўлиб,

Раислик қилувчи, судья А.Сайдуллаев,

Судья ёрдамчиси Ш.Тўрақуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навбаҳор туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ю.Абдуллаева, Хатирчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Жумаев ва судланувчи Ш.Султоновнинг иштирокида, Султонов Шерали Болтаевичга нисбатан бўлган №1-2106-2501/197-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Султонов Шерали Болтаевич (Sultonov Sherali Boltaevich) 09.03.1970 йилда Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган, Навоий вилояти Хатирчи тумани “Икром Карвон” маҳалласи “Тошқулоқ” қишлоғи 65-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” кўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 11.09.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Султонов Шерали Болтаевич 2025 йилнинг апрель ойиларида ўзи истиқомат қилиб келаётган Хатирчи тумани “Икром Карвон” маҳалласи “Тошқулоқ” қишлоғи 138-уйининг ер томорқасига, бегона ўтлар орасига, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорига асосан гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Республика ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган, Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 16.06.2025 йил кунидаги №511-сонли кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, жами 3 (уч) туп ўткир хидли, яшил рангли, баландлиги 7 см.дан 25 см.гача бўлган, таркибида фаол гиёҳванд модда



тетрагидроканнабинол мавжуд, каннабис гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, парвариш қилиб келаётганлиги ҳолати Хатирчи тумани ИИБ ТҚХ ТҚКГ ходимлари томонидан 2025 йил 12 июнь куни соат 18:00ларда ўтказилган “Қора дори-2025” тезкор-профилактик тадбири давомида, Ш.Султоновнинг яшаш хонадони ва қўшимча хўжалик бинолари холислар иштирокида кўздан кечирилганда аниқланиб, фуқаро Ш.Султоновга тегишли бўлган 3 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимликлар баённома асосида ҳужжатлаштириб олинган.

“Марихуана” гиёҳвандлик ўсимлиги Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 27.10.2018 йилги 878–сонли Қарорига асосан, гиёҳвандлик ўсимлиги туркумига кириб, қонунга хилоф равишда етиштириш тақиқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Султонов Шерали Болтаевич айбига тўлиқ иқдор бўлиб, Тошкент шаҳридан келишда йўлда овқатланиш учун тўхташганини ва шу ерда чойхонанинг орқасида каннабис ўсимлигини ўсиб турганини кўриб, уларнинг уруғларидан олганини, уларни уйига олиб келиб омборхонага яшириб қўйганини, 2025 йил апрель ойининг ўрталарида ушбу уруғларни олиб уларни томорқасидаги ўтлар орасига экканини, ўсимлик ўсиб чиққанидан сўнг унга сув қуйиб парваришлаганини, 2025 йилнинг 12 июнь эрталаб соат тахминан 18:00лардан ўтиб уйига ИИБ ходимлари келганини ва “Қора дори 2025” тадбирлари борасида яшаш хонадонини кўздан кечиришлари кераклигини маълум қилишганини, у рози бўлгач ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида яшаш хонадонининг томорқа қисмини кўздан кечиришганини ва 3 туп наркотик ўсимлигини топиб олишганини, оила аъзоларини яшаш хонадонининг томорқасида гиёҳвандлик ўсимликларининг кўчатларини етиштириб келаётганлигидан хабари бўлмаганини, у гиёҳвандлик моддаларини ўзининг истеъмоли учун экканини, қилган ишидан пушаймон эканлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Умаров Хасан Абдурахмонович, 2025 йилнинг 12 июнь куни соат тахминан 18:00ларда ИИБ ходимлари тўхтатишганини ва бир ишда холис сифатида иштирок этишни сўрашганини, у рози бўлгач Султонов Шерали Болтаевичга тегишли Хатирчи тумани “Икром Карвон” маҳалласи “Тошқулоқ” қишлоғи 138-уйига келишганини, ИИБ ходимлари Ш.Султоновга уйини кўздан кечиришларини айтганида Ш.Султонов рози бўлганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари томорқани кўздан кечиришиб, 3 (уч) туп ўткир ҳидли, яшил рангли, баландлиги 7 см.дан 25 см.гача бўлган гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик борлигини аниқлашганини, сўнг тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб олишгани билдириб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Султонов Шерали Болтаевичнинг айби унинг суд мажлисида айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари - 12.06.2025 йилда фуқаро Ш.Султонов истикомат қилиб келаётган Хатирчи тумани “Икром Карвон” маҳалласи “Тошқулоқ” кўчаси 65-уйида ўтказилган кўздан кечириш тергов ҳаракатининг баённомаси ва унга илова фотожадвал



билан (иш в. 7-9), Нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотожадвал билан (иш в. 10-12), Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 16.06.2025 йилдаги №511-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси билан (иш в. 29-32), Ш.Султоновнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойида текшириш баённомаси ва унга илова фотожадвал билан (иш в. 55-62) ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Султонов Шерали Болтаевичнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини қонунга ҳилоф равишда экиб етиштиришда ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Султонов Шерали Болтаевичнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида: давлат органилари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Султонов Шерали Болтаевичга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Султонов Шерали Болтаевичга нисбатан қўлланилган “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим топди.

Шунингдек суд, ашёвий далил деб эътироф этилган, Навоий вилояти ДХХ бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган уч туп “каннабис” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишликни ҳамда ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш



тасвири акс эттирилган икки дона ДВД дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Республика ихтисослаштирилган наркология илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти Минтақавий филиали “Махсус наркологик экспертиза ўтказиш гуруҳи”нинг 24.06.2025 йилдаги №264-сонли хулосасига асосан судланувчи Ш.Султонов мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақидаги хулосасига асосан унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлламасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211,454-457, 460, 463, 465-468, 471,473,476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Султонов Шерали Болтаевич (Sultonov Sherali Boltaevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати жазони ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Навоий вилояти Хатирчи туман ИИБ маъмурияти зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Султонов Шерали Болтаевичга нисбатан қўлланилган “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

-ашёвий далил деб эътироф этилган, Навоий вилояти ДХХ бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган уч туп “каннабис” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин;

-икки дона ДВД диск ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

А.Сайдуллаев

